

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Хаммамиз азиз фарзандларимиз ҳаёти ва тақдирини ўқитувчи ва мураббийларга ишониб топшираемиз. Мана шундай бекиёс бойлик посбонлари, келажак бунёдкорлари бўлган бу мўтабар зотларга муносиб хурмат-эҳтиром кўрсатишимиз керак.

(2020 йил 2 ноябрда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидан).

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 4-noyabr, chorshanba * № 39 (1203)

ЕР БИЛАН ОСМОННИНГ ФАРҚИ...



Энди таълим соҳасида юртимизнинг энг чекка ҳудудларидаги мактабларга ҳам эътибор кучайтирилса, интернет тармоқлари ҳам йўлга қўйилса, юз минглаб қоракўзлар — Ватанимиз эртаси бўлган қишлоқ болаларининг билим олиш даражаси кескин ўзгарган бўларди. Бундан эса фақат шу қишлоқ болаларининггина эмас, ҳаммамизнинг жонбўлса, Ватанимизнинг буйи янада ўсажак!

⇒ 3-бет


АХБОРОТ ХИЗМАТИ “ҚАЛҚОН” ХИЗМАТМИ?



Аслида ахборот хизматлари ҳисобот учун ташкил этилмаган, бўлим ҳоқимликка мурожаат қиладиганларга, келиб тушган аризалар, марказий нашрлар, расмий-ижтимоий тармоқларда тарқалган танқидий хабар ва лавҳаларга тезкор жавоб қайтарувчи хизмат бўлиши керак эди. Аммо негадир муаммо қолиб, улардан бирор блогернинг маҳалладаги майда бир масалага билдирган танқидий постига тезкор равишда муносабат билдириши талаб қилинапти, холос.

⇒ 4-бет

УЙҒУНЛИК



Олим Чўлпоннинг машҳур “Қаландар ишқи” газетини шоирнинг ҳаёти, ижоди, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳамда шахсиятига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда тамомила ўзгача ракурсда текширади. У турли ҳужжатлар, ёдловлар ва ўзининг асосли таҳминларига таяниб, шоирнинг ўша шеърини ёзаётган вақтдаги кайфияти қандай бўлганига кўрсатиб беришга эришади. Шу усул ёрдамида газал замиридан бир дунё яширин ижтимоий маъно топади.

⇒ 5-бет

ОҒРИК

Босма нашрларнинг эртаси борми?

Яхши эслаймиз. Чунки бунга жуда кўп бўлгани йўқ. Бунга қадим замонлар эмас, яқин тарихимиз шоҳид. Утаган бўлса, 30 йил ё ундан бир-икки йил кам ё кўпдир. Муҳими, одамлар газета-журнал ўқир эди. Мутлолаани яхши кўрар эди. Газета журнал сотадиган киоскалар олдида бугун арзон тухум сотадиган дўкончага турнақатор одам йўлгандек, матбуот нашрлари учун ҳам навбатда туриларди. Шу боисдан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ёш ленинчи” — (ҳозирда чоп этилмаётган “Ёшлар овози”), “Тошкент оқшоми”, “Шарқ юлдузи”, “Фан ва турмуш”, “Саодат” каби нашрлар деярли ҳар бир хонадонга кириб борарди. Адабини сўрасангиз, миллионга яқинлашарди. Ҳўш, бугун-чи? Яширишга ҳожат қолмади: бир маҳзун, бир оғир аҳволга тушиб қолди аксарият нашрлар.

Энди бир ўйлаб кўрайлик, нега одамлар газета-журналлардан узоқлашди? Ахир, матбуот жамиятнинг кўзгуси, маънавият сарнашмаси эмасми? Ё ушбу “кўзгү”да халқ дарди, ташвишлари акс этмай қолди? Матбуот ёлгон чўлчакларни айтавериб, ҳамманинг эътиборидан қолди? Интернет, ижтимоий тармоқлар ҳаётимизга кириб келиб, босма нашрлар ўрнини буткул эгалладими? Ё ҳуд, энди баъзи бировлар фол оцаётганидек чиндан ҳам босма нашрларга эҳтиёж қолмади?

Бу кўпдан-кўп тизгинсиз саволларга жавоб топишнинг ўзи бўлмади. Чунки бу саволларнинг аксариятида жавоблар ҳам озми-кўпми бордек.

Аммо... назаримизда сабаблар битта-иккита эмас. Энг катта сабаблардан бири шундаки, мактаб ўқувчиларига, олий таълим ўқоқлари талабаларига ўз нашрларининг боришига ўтган 25 йил давомида биров эътибор қилмай қўйгани боис, истаимизми йўқми, матбуотни ўқимайдиган авлодни пайдо қилдик.

Ахир, бундан 30-40 йил бурун ҳар бир синфда нечта бола ўқиса, шунча бола “Ғуна”, “Гулхан”, “Ленин учқуни” (ҳозирги “Тонг юлдузи”)ни олар эди-ку.

Олий таълимда ўқиб юрган ёшларнинг қўлидан газета-журнал тушмас эди-ку.

Бугун минг афсуски, мамлакатимиздаги ҳар бир мактабга юқоридаги нашрлар, синфларни қўйинг, ҳар бир мактабга ақалли 1 нуска бормаётгани ачинарли ҳол. Йўқса, нуфузли болалар нашрлари бугун 2-3 минг нусхада чоп этилариди!



ЎЗЛИК

ТАРИХ БУГУННИНГ ХИЗМАТИДА



ёки учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш мўъжизаси

Айни пайтда ижтимоий-маънавий ҳаётимизда бир ҳол алоҳида бўртиб кўринмоқда. Жонажон Ватанимиз ўз истиқболи йўлида нурли марраларни забт эта бориб, инсоният тамаддунига улкан туртки берган, кўплаб алломаларни тараққийга туҳфа қилган Ренессанс (Ўйғониш даври)ни XXI асрда юзага келтириш, бунинг учун барча асослар борлиги ва салоҳиятимиз шай ҳолда эканлигини дунёга маълум қилди. “Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик”, деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил Уқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.

Давлатимиз раҳбари томонидан айtilган бу формула узоқ йиллардан бери миллий тафаккуримизда рўй бераётган ўзгаришларнинг тадрижий ҳосиласи ва эътирофи сифатида кутиб олинди. Албатта, ҳар бир давлат ўз истиқболини белгилар, стратегик вазифалар кўяр экан, ўз жонажон тарихидан улғи олади.

Давлатлар бир-бирига ўхшамагани каби уларнинг тараққий йўли ҳам ҳар хил бўлади. Мамлакатнинг ривожланиш дастури ўз ўтмишидан вобаста ҳолда тайин этилар экан, бугунги Ўзбекистон учун Ренессанс модели тарихан қонуний ва адолатлидир. Негаки, биз умргузаронлик қилаётган заминда икки марта буюк ўй-

ғониш — Ренессанс рўй берганини тарихий далиллар сўзсиз тасдиқлайди. Ренессанс намунаси давлатимиз учун яқин келажакдаги асосий йўл эканини давлат раҳбари алоҳида таъкидлади: “Биз учун Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз”. Албатта, бу тарихий ҳодисанинг барча ўлчамлари инкишоф этилади ва у давлатимиз учун тараққий дастурида эталон бўлиб қолди.


Дунё тамаддунида юксак ўйғонишга сабаб бўлган даврлар ҳақида гапирганда уларнинг пайдо бўлиш шароитлари ва эволюциясини бир қур эслаш фойдадан холи бўлмайди. Табиатан қўлай минтақада жойлашган юртимиз ҳудудлари азалдан инсоният цивилизациясининг қадимги ўқоқларидан бири бўлиб келган. Ривожла-

ниш илк кўртақлари шу заминда яроққ эган, инсон тақомиланинг босқичлари илк дафъа шу ўлкада юз кўрсатган. Бу ҳоли Селунгур ёки Тешиктошдан топилган одам суякларни тасдиқлайди. Ибтидоий қавмларнинг завқи, дунёқараши эса юртимиздаги тоғларнинг қоясида ўйилган тошбитиклар — петроглифларда ўз аксини топган. Маданий ривожланиш юзага келиб, ундан кейин ўтган минг йилликларда давлатчилик тарихида, инсон фаолиятининг кўп қиррали ривожига ҳам шу ҳудудлар асосий майдон, маскан бўлди. Тарих зарваракларида шунчаки қайд қилиб ўтилган Бахтияр, Парфия, Давон, Қушон сингари давлатларнинг дов-дақаси дунё маънавий уммонида пўртана ясагани, уларнинг шон-шухрати бугун ҳам муҳлисларни ҳайратта солиши бежиз эмас.



ЁД ЭТИБ

Дилимнинг рангини гул билса бўлди



Омон МАТЖОН

УМР ЎТАР, ВАҚТ ЎТАР...

Умр ўтар, вақт ўтар, Хонлар ўтар, тахт ўтар, Омад ўтар, бахт ўтар, Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Сенинг юришларинг, сенинг қулишларинг.

Баҳорда бог на гўзал, Қор тушса тоғ на гўзал, Бу ёшлик чоғ на гўзал, Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Сўзсиз қарашларинг, ҳолим сўрашларинг.

Ой чиқар гоҳ заҳоли, Дўстлар кўндир вафоли, Ҳаёт шундан сафоли, Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Соқин сўзлашларинг, пинҳон излашларинг.

Умр — йўл, қайрилиш кўп, Учраши, айрилиш кўп, Унутти, айтилиш кўп, Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан Ўша қулишларинг, ўша келишларинг...




ОБУНА - 2021



Мен нима учун “HURRIYAT”ни ўқийман?

Жамиятнинг кўзгуси бўлган нашрларни ўқини ёқтираман. Айниқса, у ҳаёт билан ҳамнафас юрса, ҳаёт богдан келса, у ҳам айнан богдан келиб турса, нега ўқимайлик, албатта ўқиймиз-да! Шу маънода, “HURRIYAT”ни ўқийлик газета, деб биламан. Йўқ, буни кўнгил учун айтаётганим йўқ, мен чинданам газетани кузатиб бораман. Яхши мақолаларни дарров ўқишга чоғланаман. Унинг бир томони адабиёт билан богланиб кетгани мени янада ўзига тортади.

Айниқса, кейинги вақтларда чиқаётган сонларидида ҳаёт нафасини аниқ ҳис қила бошладим. Ана шу нафас учун уни варақлаймиз, ана шу нафас учун унинг номини унутмаймиз, ана шу нафас учун унга хурмат сақлаймиз. Бу шунчаки гап эмас, балки анчайин муҳим гап. Мисол учун мен кўчада кетаётган бўлсаму даб-дурустан “қайси газеталарни ўқиб борасиз?” деб сўраса, жавобимдаги нашрлар орасида албатта, “HURRIYAT” бўлади. Бугунги тезкор за-



Улуғбек ХАМДАМ, ёзувчи, филология фанлари доктори.

ШУНДАЙ ДЕДИ

Баҳром АБДУХАЛИМОВ, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси:



Глобаллашув даврида ҳам таълим, билим, заковат тушуначлари ўз охорини йўқотмади, аксинча, долзарблиги янада ошди. Илмни саодат деб билган халқ борки, ривожланишга юз тутиши мўрарар. Асосий инвестициясини таълим тизимига киритадиган мамлакат албатта, улкан ютуқларга эришади.



ОЙДИНЛИК ДУКЕНТДАГИ АЙИҚ ОТИЛ(МА)ГАН

Куни кеча, аниқроғи, 2020 йил 2 ноябрь куни ижтимоий тармоқларда айиқнинг аҳоли яшаш пунктда ҳаракатлангани акс этган видеолаёҳалар кенг тарқалди. Маълум бўлишича, бола айиқ акс этган лаёҳа Тошкент вилояти Ангарен шаҳри “Дукент” кўргонидаги “Навбахор” маҳалласида тасвирга олинган.



ТАЪЛИМ ВА ТАЛҚИН

ДУНЁҚАРАШНИ
ЎЗГАРТИРАЙЛИК

Буёқ келажакни кўзлаган жамият янгилашгани ва умумданий тараққиётга юз тутган даврда таълимнинг янги концепциясини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ҳозирги замон фанида бундай жараён янги таълим-тарбия парадигмаси деб талқин этиляпти ("Парадигма" сўзига таъриф берадиган бўлса, бу юнюнча сўз бўлиб, "намун", "тумсол" деган маъноларни англатади). Унинг кун тартибига чиқиши янги методологик ёндашуларнинг амалга ошиши билан боғлиқ.

Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинишидан мақсад, ушбу дастурда қайд этилганидек "таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимни яратишдан иборат".



Бу вазифани муваффақият билан бажариш учун, аввало, унинг пухта илмий-фалсафий асосини яратиш лозим. Янги таълим-тарбия парадигмасини ишлаб чиқиш, бу масаланинг бир томони, иккинчи томони эса, шўро замонида тарихий, сиёсий, ижтимоий сабабларга кўра таълим тизими Шарқ фалсафаси, шарқона маънавият ва маданиятдан анча беғоналашиб қолганидир.Zero, педагогиканинг миллий тафаккурдан йироқлашуви бир ёқлама ёндашуларни вужудга келтирди. Бу таълим тизимининг шакл ва мазмунига ҳам, шахсининг ижтимоийлашши жараёнига ҳам салбий таъсирини кўрсатади.

Шўро педагогикасида бош тамойил бўлган "кўпроқ билим бериш" ва шу усул билан "шахсини ривожланиш жараёнини назорат қилиш" тажрибаси шунинг кўрсатадики, бу охири-оқибатда боланинг ҳаддан ортиқ зўриқшига сабаб бўлар экан. Zero, мажбурият ўқитиш тизими ўқувчилар тафаккурининг чекланишига, муайян даражада уларнинг ўқишдан безишига олиб келади. Дарҳақиқат ўқитишда, болага билим беришда, унинг қизиқларини ҳам инobatта олиш жуда зарур. Билим бериш нуктаи назаридан унга кўп топшириқлар бериб, сиқув остига олиш, унинг ўқишга бўлган соғушига ва билим олишга нисбатан руҳан сўнишига олиб келиши мумкин, ўзининг қизиққонлиги ва хоҳиш-истаклари билан ўрганаётган фанлари, берилаётган билимлар бундан мустаснодир.

Швециялик олим Валдорф "Қандай қилиб математикага қизиққан боланинг қобилиятини билиш мумкин?" деган саволга "Математикани кўп ўқитиш билан" дея жавоб берган эди. Дарҳақиқат, биз боғчадан бошлаб болага иложи борича кўпроқ билим беришни ўйлайми-у унинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, мустақил фикрлашга ўргатишга, ҳис-туйғуларини тарбиялашга етарли эътибор бермаймиз.

Бунинг сабаблари яна шўро даври педагогикасига бориб тақалади. Чунки шўро замонида болаларга назарий билим беришда

уларнинг ёш хусусиятлари, ички имкониятлари, қобилиятлари, қизиқликлари инobatта олинмаган, асосий мақсад маълумот етказиш бўлган. Бундай ҳолатни болалар боғчасида ҳам кўриш мумкин эди. Машгулотларнинг аксариятида тарбиячи фақат маъруза қилар эди, холос. Ваҳоланки, бу даврда бола маъруза эшитиши эмас, балки хилма-хил фаолитет билан шуғулланиб, ёшига монанд кўникма ва малакалар ҳосил қилиши мумкин.

Бола устидан ҳукмонлик қилиш ёхуд зўравонлик қилишга асосланган таълим мазмуни кўпчилик ўқитувчи ва тарбиячилар томонидан болага жисмоний куч ишлатиш, унинг эътироз билдиришига, ўй-фикрини эркин айтишига йўл қўймастик, саволига, жавоб берганда, жавоб нотўғри бўлса дўқ-пўлиса қилиш, ана шу тўғри жавобнинг асл моҳиятини тўғри талқин қилиб бермаслик, бола шахсини ерга уриш, каби ҳолатларга йўл очади. Таъкидлаш жоизки, шу вақтгача сақланиб келаётган "авторитар" педагогика кўплаб мамлакатларда боланинг шахс сифатида уйғун ривожланишига тўсқинлик қилиб, унинг ички кечинмаларини руҳиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Таълим-тарбия ҳақида сўз юритган копенгагенлик ўқитувчи бир мақолада шундай мисол келтиради: дарс жараёнида ўқитувчи таъриба мақсадида болаларга турли хилдаги геометрик шакллар — доира, учбурчак, тўртбурчакчи намойиш этади. Сўнгра тухумни кўрсатиб, "Бу қандай шакл?" деб сўрайди. Болалар ёппасига "Бу шакл эмас бу, тухум", деб жавоб беришади. Ўқитувчи қанча уринмасин, уллар шу тахлитдаги жавобни такрорлайверган. Нихоят, бир бола ўқитувчи кутган жавобни айтганидан кейингина у болалар устидан анча зўравонлик қилиб келганини англаб етади. "Болалар чет-тилларни ниҳоятда тез ўзлаштиришмоқда дейишда баъзи бир муаллимлар. Ҳа, агар болага ракетани бошқаришни ўргатсангиз, теъза уни ҳам ўзлаштириб олади, машина ҳайдашни ўргатсангиз ҳам ўрганиб олишади, лекин тафаккур, фикр тарбияси-чи? Бола ўр-

ганаверар экан деб, ҳар нарсани тикиштира-вериб қандай салбий оқибатларга олиб келиши юқоридаги мисолларда кўринади.

Собик Иттифоқ даври таълимида, "кўпроқ ўқитиш, кўпроқ натижа беради", "жазо қўллаш, уриш, сўкиш, кўрқитишни таълимдаги сифат уйғунлиги" деган гоълар устувор эди, яъни булар автократик таълим кўринишлари эди.

Япон таълимида эса "Болаларни руҳлантириш кўпроқ натижа беради" деган гоъ тарғиб қилиб келинади.

Демократик таълим психологияси ёндашувлари шундайки, интерактив тактика, эркин сўзлаш, қизиқиш, тушуниш, гоъ бериш, ҳурматларга асосланган меъёр даражасидаги субординация, ўқувчи табиат қонуниларига уйғун бўлиши керак. Ёш болада нарса ва ҳодисаларни маълум мушоҳада орқали тушуниш қобилияти яхши шаклланмагани боис, саёз тушунчалар унинг ҳиссий кечинмаларига шикаст етказиши мумкин. Бола аввал ҳис этиб, кейин фикрлаши керак. Яна бир ҳолатни эсга олайлик. Олий ўқув юртиларида талаба ҳеч қачон ўқитувчи билан баҳсга киришмас эди. Мабода, мунозара қилса ёки эътироз билдиргудек бўлса, ўқитувчининг қаттиқ таъзиясига учради, ҳолбуки, муаллим фикрловчи инсон камол топаётганидан қувониши, бор билими ва маҳоратини ишга солиб, уни мустақил фикрлашга мойиллигини янада мустаҳкамлаши керак ва шарт. Хулоса ўрнида шунини айтишимиз кераки, ўқитувчи, муаллимлар "Авторитар" услубидан, "Демократик" услубга ўтилмасе, жамиятимиздаги кадрлар, ўқувчилар ва билим олувчиларнинг айнан мустақил фикрга эмас, ўрганган, билганларига таяниб қолишлари мумкин. Бу эса ҳиссий, психологик, ижодий ёндашуви суқлаштиради. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш учун киши табиати ва салоҳиятига оқилона ёндаша олишдаги ўқитувчи-мураббийлар тайёрлашни йўлга қўйишимиз зарур.

Бизга маълумки, дунёдаги қашшоқ мамлакатларнинг худудлар рейтингига, Ҳиндистон давлати киритилган. Эътиборини тортган жиҳати шундаки, дунё реал секторларига энг кўп Ахборот технологиялари, тиббиёт соҳалари бўйича сифатли мутахассис етказиб бериш рейтингларида ҳам айнан Ҳиндистон юқори ўринларни эгаллаган. Улар қандай қилиб салоҳиятли кадрлар тайёрляпти? Ҳамма гап мактаб педагогларидими? Ёки қашшоқ яшаш жонига теккан ўқувчилардими? Менимча, ҳамма гап идеологияда, тизим, дунёқараш, эркинлик, мотивация, психологик ва эътиқ қарашларни тўғри йўналтиришда, демократик таълимда бўлса керак. Энг аввало, инсон руҳиятини тарбиялаш зарур, руҳ тутқунлиги тана емририлишига олиб келади.

Хулосам шунки, ўқувчилар "доска яхши кўринамапти", "хона совуқ", "ручка яхши эмас!" деган моддиятта таянувчи баҳонадан қочилари шарт. Педагоглар эса таълим сифатини замонавий таълим технологияси, техникалар билан таъминланган аудитория, галстук тақдан талабданд қидирмасликлари, таълим сифатини руҳ ва дунёқарашни ўзгартиришдан бошлашлари лозим!

Бобуржон ОЧИЛОВ,
Тошкент Молия институти ўқитувчиси,
иқтисодчи.



ТОМОРҚА
ХЎЖАЛИГИ

одамлар ҳам, халқ ҳам манфаат топади

Бугунги кунда томорқадан оқилона ва тўғри фойдаланишга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмаётгани бежиз эмас. Халқимизда: "Қўлдан берганга қуш тўймак", деган гап бор. Буни Сурхон воҳаси одамлари яхши билишади. Шунинг баробарида, уллар томорқа хўжалигини юритиш ҳадисини олишган.

Сурхон томонларда давраларда "Яхшининг шарофати", деган гап айтилди, билинги, ҳаромдан ҳазар қиладиган, меҳнатқаш, иймонли инсонлар тарифи ҳақида сўз боради. Шеробод туман марказига туташ бўлган "Қўргон" маҳалласида 461 хонадонда 3303 нафар аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ ва гузарларни айланб, хонадон томорқаларини кўздан кечирсангиз, баҳри-дилнингиз очилади.

Олтин куз Шерободга янада шуқуҳ ва файз бағишлаган. Вилоят ва туман бозорларидан ташқари, "Термиз – Тошкент" катта йўлнинг ёқасидаги кичик бозорчаларда хонадон эгалари ўз томорқаларида етиштирган, ҳар бири 400-500 грамм юк босадиган анорнинг килосини 2-3 минг сўмдан сотишади. Асл деҳқонда, кўпроқ олсангиз бир-иккита қўшиб ҳам беришади. Қирмизи нақшин олманнинг килосини 4-5 минг сўмдан, устига оғири билан тортиб беради. "Барақасини берсин", дейди. Гарчи бу неъматларни пешона тери тўкиб, томорқасида етиштирган бўлса-да, энг муҳими, олиб сотар эмас, боббону-деҳқон-да!

— Маҳалламизда йилнинг тўрт фаслида ҳам бўш турган ерни кўрмайсиз, — деди маҳалла раисаси Ойтўла Алпўрова. — Узимиз ҳам уйма-уй юриб хол сўраб турамыз. Лекин, хонадан соҳибларини томорқадан унумли фойдаланишга ундаш билан иш битмайди, улларга яқиндан ёрдам кўрсатиш ҳам керак. Бирор муаммоси бўлса, ҳал қилиш пайига тушамиз. Бизни хурсанд қилгани маҳалламиз одамлари, бир кун бўлса-да, томорқасини бўш қолдирмай, экин-текин қилишади. Бундан, аввало, ўзига фойда, оиласи тўкин бўлади, қолаверса, бозорларимиз арзон меваларга сероб бўлади.

Шу маҳаллада яшовчи Номоз Саломов 15 сотих томорқасидаги 70 тул эртапишар олмадан мўмайгина даромад қилишини эшитиб, "минг эшитгандан бир кўрган афзал", деб ушбу хонадонга йўл олди. Ҳаққи рост, бундан ташқари, очиклида ўсаётган 80 тул лимоннинг авжи ва ҳосили одамнинг кўзини қувонтиради. Томорқанинг бир чеккасида эса сотишга мўлжаллаб экилган 2 минг тул анор кўчати ни кўрсатиб: "Эрта баҳор келгач сотувга чиқараман", дейди. Бунга қўшимча 2 сотихлик иссиқхонада эса 25 тул мандарин даратхнинг шоҳлари ҳосилдан ерга тегай дейди. Рўзгорга шарбат, мураббо тайёрлашга мўлжаллаб экилган олча, гилос, ўрик даратхлари ва дармондори кўкатларни кўриб, шундоқна бихиштининг бир бўлагидеяйс...

— Томорқадан ҳар йили яхшигина даромад

қиламиз, — дейди Номоз Саломов. — Сархил мевалар билан бозор пештахталарини тўлдириб баробарида оила кам-кўстини бутлаймиз. Яна, энг муҳим томони, болалар ер билан тиллашади, бекорчи вақти бўлмайди. Мана, фарзандларимиз ҳам деҳқончилик, богдорчилик сир-синоатларини ўзлаштиряпти, ўргангани ўзларига фойда-да.

— Бизнинг гузарда томорқадан астойдил фойдаланишга сув муаммоси ҳалақит беради, — деди Маннон Ерматов. — Маҳалла фаоллари билан келишиб, бунинг ҳам йўлини топдик. Худудга қарашли бўш майдонда 20 тонна ҳажмдаги сув сиғадиган ҳовуз қазидик. Доимий назоратта олдик. Энди сув тақчил бўладиган саратонда ҳам томорқадagi даратх ва экинлар сергайиб қолмайди.

Маннон аканинг ўзи аслида тиш шифокори, томорқасидаги иссиқхонада эса кишин-ёзин памидор, бодиринг етиштирар экан. — Томорқадagi мевали даратхлар, турфа гуллар, кўкатлар хонадонимизга ҳам кўрк, ҳам रिэк бағишлаб турибди-да, — деди М.Ерматов.

"Қўргон" маҳалласидаги нурунийлардан бири Жўрабек ота Абузаров нафақам ўзимга етади, деб тағига қат-қат кўрпача тўшаб, лўла-болитиша ёнбошлаб ётадиган оқсоқоллардан эмас, ҳар кўнини меҳнатсиз, беҳуда ўтказмайди", дейиши маҳалладошлари. Буни қарангки, ўзига томорқасининг 1,5 сотихига чоғроқна иссиқхона қуриб олибди.

— Меҳнат қилган кам бўлмайди. Улуғларимиз, "қўлинг ишда, қалбинг Аллоҳда бўлсин", "даст ба кору, дил ба ёр", деганлар. Президентимиз томорқадан оқилона фойдаланишни ҳар кун тақрорляптилар, — дейди Жўрабек ота Абузаров. — Меҳнатда ҳам меҳнат бор. Қани энди ҳар бир хонадон ўз томорқасида маҳсулот етиштирса, ҳеч бўлмаганда, ўз оиласини таъминлайди. Иншооллоҳ, ҳар қандай шароитда ҳам мамлакатимизда озиқ-овқат танқислиги бўлмайди.

Эл экан-да, афсуски, салкам ярим гектарлик томорқасига бутта ўстириб, қийинчиликлардан нолб ўтирадиганлар ҳам йўқ эмас. Аммо "Қўргон" маҳалласидагилар томорқадан йил бўйи ҳосил олиш ҳадисини олган экан. Иродали, шашти ва қадди баланд халқи бор юрт ҳар қандай қийинчилиги синовларини шарфа билан энгиб ўтишига шубҳа қилмасе ҳам бўлади.

Сафар ОМОН,
"Hurriyat" муҳбири.

ШАХСИЙ ФИКР



ЕР билан
ОСМОННИНГ
фарқи...

Қишлоқда туғилиш ҳам бахт. Аммо... Очиги, яқинда ижтимоий тармоқларда тарқалган Чироқчидаги мактаб ҳолатини кўриб юрагим зилди. "Айби қишлоқда туғилганлиги" бўлган болаларга ачиндим.

Лекин шундай ҳикमतнома гап ҳам бор. "Рим ҳам бир йилда қурилмаган". Айтмоқчиманки, бугун айрим қишлоқларда бунёд этилаётган мактаб, боғча ёки бошқа маданият ўчоқларини кўриб, очиги койил қоласан. Бироқ, айрим қишлоқларда шарт-шароит ҳамон муаммолигича қолмоқда. Шундай жойларда

рига киришга имкони йўқ. Ойига "фалон миллион" сўм тўлаб ўқитиладиган хусусий мактабларни эса орзу ҳам қила олмайди.

АОҚАда бўлган бир йиғилишда: "Айрим қишлоқ мактабларида аҳвол ачинарли. Биз бу ерда чет элдан ўқитувчилар олиб келинишини муҳокама қилишимиз қай даражада тўғри?" — деган саволимизга Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов: "Иккала ислохот баравар олиб борилади. Иккаласига алоҳида бюджетдан маблағ ажратилган. Бунда қишлоқ мактаблари эътибордан четда қолмайди. Барчаси босқичма-босқич жиҳозланади, таъмирланади...", — деганди.

Ўзим Хатирчи туманиданман. Тан оламан, бизда ҳам истеъмол суви у ёқда турсин, ҳатто кўл ювишга ҳам шароити йўқ мактаблар бор...

Қачон қишлоқ мактабларига ҳам эътибор берамиз, ахир, туманлардаги қоракўзлар ҳам яхши шароитда таълим олишга ҳақли-ку! Давлат бюджетидан уллар ҳам шаҳар болалари сингарини фойдаланишга ҳақли эмасми? Ахир улларнинг ҳам жажжи юраги шу Ватан учун уряпти...

Кўпгина қишлоқлардаги

таълим ўчоқлари билан, шаҳардаги мактаблардаги шарт-шароит, имконият ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Ҳа, тўғри, юқориде айтганимиздек, юртимизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз мактаб таълими, умуман, маориф соҳасини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта вазифаларни белгилаб берди.

Ўқитувчилар — болаларга таълим-тарбия бергувчи зотлар ойлук маошларини 1000\$ етказишимиз керак деб куйнаётганларини ҳамма кўриб, ҳис қилиб турибди. Сўнги йиллардагидан кўра ўқитувчи нуфузи анча ошди, маошлари ҳам "чидаса бўладиган" микдорга олиб келинди.

Энди таълим соҳасида юртимизнинг энг чекка худудларидаги мактабларга янада эътибор қўйилган, интернет тармоқлари ҳам йўлга қўйилса, юз минглаб қоракўзлар — Ватанимиз эртаси бўлар ҳам яхши шароитда таълим олиш даражаси кескин ўзгарган бўларди. Бундан эса фақат шу қишлоқ болаларининггина эмас, ҳаммамизнинг хож бўлса, Ватанимизнинг бўйи янада ўсажак!

Дилнобар АСЛИДИН кўз.

ВАЗИЯТ

КОРОНАВИРУС ЮҚТИРГАН
ДУНЁДАГИ ИЛК ОДАМ

XXI аср пандемиясига сабаб бўлган илк одамнинг бу балони қандай юқтирганлиги ҳалигача номаълумлигича қолмоқда. Яна шу ҳам номаълумлик, у биринчи беморми ёки "нолчиқлар" (унда ҳам олдин юқтирганлар) ҳам бормиди? У ким узи?

Маълумотларга қараганда, коронавирусга чалинган дунёдаги биринчи инсон — Хитойнинг "Хуанань" бозорига крветка сотувчи аёл бўлган.

Аёл крветка — денгиз маҳсулоти сўтса, демек инфекция одамларга денгиз маҳсулотларидан юқгани ҳам тахмин қилинмоқда. Олимлар ўртасида халигача вирус кўришалақдан тарқидими ёки денгиз маҳсулотларидан деган баҳс-мунозаралар давом этапти.

Хитойдаги газеталардан бирининг ёзишича, Вэй Гуйсянь исмли сотувчи аёл вируснинг энг биринчи ташувчиси саналади. У иситмаси кўтарилгач, 11 декабрда шифокорга мувожаат этади (ўша пайт 57 ёшида эди).

— Тадбиркорман. Бизнесим турайти уйда ётишга вақтим йўқ. Одатда мажам бўлмай қолсам, ё ўзимда безовталиқ сезганимда, уйимиз ёнидаги шифохонага борардим, — дейди Вэй.

Аёл ўша кўни ҳам клиникага бориб, антибиотик ва дори-дармон, укол(капельница) олади. Шифокорлар Вейга дастлаб бронхит тахши-

даги коронавирус ташхиси қўйилади.

У 2020 йил январь ойи бошида шифохонадан соғайиб чиқди. Январнинг ўрталарида унинг қизи ва оила аъзоларидан ҳам COVID-19 анкиланади.

— Мен коронавирусни ўзим ишлайдиган бозорда юқтириб олган бўлишим мумкин. Шундоқна ёнимда эса ёввойи ҳайвонлар гўштини сотадиганлар растаси кўп эди, — дейди у.

Вэй Гуйсянь даволаниш учун жуда катта маблаг сарфлайди. Бошида пулига, қилган харажатларига роса ачинади, ҳозир эса бу оламда ундан бахтли одам бўлмасе керак. Чўки ниҳоятда кўпчилик бу кассалик олдиде хали-ҳамон оқиб қолмоқда...

Шу ўринда юртимизда ҳам шу йилнинг 15 март кўни илк коронавирус юқтирган аёл анкиланган эди. 11 март кўни "Парож—Тошкент" рейси орқали учиб келган олий тоифали шифокор, хусусий клиникалардан бирининг раҳбари Нигора Муротова билан кейинчилик ижтимоий тармоқларда сўбат уюштирилганди. Бугун кўпчилигимиз ушбу вирус билан оғриб ўтган бўлса-да унинг ваҳимаси, даҳшатли оқибатлари халиям кўпчилигини психологик чоғларга қўлатишда давом этмоқда.

Мафтуна КАРИМОВА.

УМР ИБРАТИ

Дунё тамаддунига назар ташланса, чинакам Шахсни тарбиялаб, вояга етказишда ҳамма маълум келтирилган бўлган. Шу ўринда жамоавий ўйин — галабага кафолат қоидаси эса наинки спортда, балки адабиётшуносликда ҳам бир қадар кўриниб қолди. Бадиий адабиётга ёндашувлар фарқланди. Аввалги адабиётшунослик фани "санитар" вазифини ўтмай қўйгандек.

Демак, бир хоссали индивидлардан эмас, балки турли хусусиятларга эга бўлган мураккаб таркибли гетероген шахсиятлардан ташкил топган бугунги ҳаётда фикр эркинлиги қарор топаётгани ижод аҳлига қанча қулайлик туғдирган бўлса, адабиёт тануччи олимларга шунча қийинчилик пайдо қилади. Негаки, илм қонуниятлар билан иш кўришни тақозо қилади. Қонуният эса ўзгирсалликни талаб этади. Универсаллик аънаналар бағрида этилади. Ҳозир бўлса, бадиий ижод соҳасида аънаналарга амал қилмаслик аънамага айлиб бормоқда. Аммо адабиётшунослик ва адабиётга ўз назари билан илмий-амалий ёндашаётган мунаққидлар ҳали орамизда борлиги қувонарли.



Уйғунлик

Профессор Дилмурод Қуроноунинг илмий фаолиятидаги илк ўзига хослик шундаки, у эгаллаган фалсафий ва илмий-назарий билимларни адабий яраткичларни текширишнинг ишончли қуролига айлантира олади. Шунинг учун ҳам олим ҳар қандай мушкул илмий масаланинг асл моҳиятига қараб билади. Чунинки, у бадиий ижодни истеъдодли одамнинг оламни билиши ва у ҳақдаги ўй-туғуларини ифодалаш эҳтиёжининг маҳсули ҳисоблайди. У ифодалаш эҳтиёжи билан эҳтиётдан кам бўлмаган қудратта эгаллигини алоҳида таъкидлайди. Кўркем асарнинг яратилиши ва ўқилиши кечимини одамлараро эстетик мулоқотнинг кўриниши ҳисоблаган Дилмурод: "...адабий асарнинг моддий асоси тил унсурларидан таркиб топган матн, яъни замонда евоқ бўлган ва ёзув ёрдамида қотириб қўйилган нутқдир", деб ёзади. Бундай ёндашувида нутқ ҳаммиша кимга ёки нимагадир қаратилган бўлиши билан табиий равишда мулоқотни юзага келтириши кўзда тутилади. Олим ўзининг бу қарашини: "...адабий асарнинг ўзи моҳияттан мулоқот", дея қўлланган.

Одам. Бундай дейишимизга асос, ёзма қўлининг моҳияттан тасавуридаги ўқувчига гапирмоқ, ўқимок эса тасавуридаги ёзувчигина тингламоқ эканидир", дея янада конкретлаштиради. Дилмурод бадиий асар ёзишга эмас, балки ўқиш ҳам ижодий жараён, деб билади. Ўқирман асарга бадиий ҳодиса деб ёндашмас экан, у кўркем яраткича айланмай қолаверини қайд этади. Чиндан ҳам кўркем асар ўқиб тушунган одам учунгина мавжуд бўлиб, ўқимаган одам учун эса йўқ нарсасидир.

Назарий билимларини адабий ҳодисаларни тадқиқ этиш кечимига татбиқ қила олган профессор Д.Қуроноун шарҳли ўқишдан замонвий адабий таълимда фойдаланишнинг назарий асослари ва амалий йўлларини кўрсатиб беради. Тажрибали педагог сифатида олим "Адабий таълимда тарихий-биографик шарҳнинг аҳамияти ҳақида" мақоласида: "...шарҳ асардаги образлар тилини маънавий тилига ўгиришдики, шу жиҳатдан у мундоз адабиётни ўқитишда ҳам, яъни адабиёт намуналарини ўрганишда ҳам бирдек муҳимдир", деб ёзади. Олим Чўлпоннинг машҳур "Қаландар ишқи" газалини шоирнинг ҳаёти, ижоди, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳамда шахсиятига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда таълимига ўзгача ракурсда текширади. У турли ҳужжатлар, ёдлоқлар ва ўзининг асосли таҳминларига таяниб, шоирнинг ўша шеърни ёзаётган вақтдаги кайфияти қандай бўлганига ҳам кўрсатиб беришга эришади. Шу усул ёрдамида газал замиридан бир дунё яширин ижтимоий маъно топади. Буни олим: "Қаландар ишқи"

каби рамзий-метафорик ифода йўсинига қурилган газаллар ўзида аввалбошдан икки турли талқин имкони билан яралади. Яъни, бундай асарларда тасвирланган нарсаси (тасвир пани)дан бевосита усуб қувучи маъно ҳам, контекст(лар)да намоён бўлувчи таъмаъно ҳам мустақил, бир-бирига ҳалал бермаган ҳолда яшайверади. Демак, газал мазмунининг турлича тушунилиши табиий ва қонуний ҳолатдир", дея изоҳлайди. Шу тариқа шарҳлаб ўқиш дегани тушунарли сўзларни изоҳлашдангина иборат жўн юмуш бўлмай, тадқиқотчи ёки ўқитувчидан жиддий тайёргарликни талаб қиладиган самарали илмий ёндашуви эканини кўрсатиб беради.

Олимнинг бадиий асарларни мифопоэтик талқин қилиш борасидаги қарашлари ўзбек илми учун таълимга янгилик бўлди. Ўзбек адабиётининг илмида ҳам мифлар ҳақида кўп гапирилган. Тадқиқотлар қилинган, китоблар чоп этилган, аммо мифопоэтик ёндашуви аслида нима экани ва уни амалиётда қандай татбиқ этиш мумкинлиги қоронғиликча қолаверган. Дилмурод бу ҳақда: "Ўтган кунларнинг... тез шухрат топиб қўлма-қўл ўқилишига сабаб бўлган бош омиш, бизнингча, унинг том маънода миллий адабий аънаналар замирида турганидир... Ўйласам, бу фикрни эскирдан турли шаклларда айтаиб келаман экан-у, унга ишоблангани шарт бўлмаган аксиомадек қарар эканман. Мифопоэтик ёндашуви эса... мазкур фикрни илмий асослаш имкони яратар экан", деб ёзади.

Очиги, мен мифопоэтик ёндашуving миллий адабий аънаналар илдини кўрсатишга алоқаси борлигини ҳаёлимга ҳам келтирмаганман. Уни кўриштирилган ўйлаб топган бир қадар сунъий назария санаб келардим. Дилмуроднинг романи шу усулда талқин қилинаётган бўлиши қўлимда. Тўғри, бу усул роман бадиияти ва жонивасини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади, деб ҳисобламайман. Айни вақтда, битикнинг тасвир йўсинида ўзгармас миллий универсалликлар борлигидан ҳам кўз юмолмайман. Албатта, буюқ ёзувчи ўз битигига бундай ёндашуви бўлиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган. Аммо олим ўзининг илмий қудрати сабаб субъект томонидан яратилган бадиий объект бағридаги объектив қонуниятни кўра ва кўрсата билди.

У ижодкор бирор асарни ёзаётгандаёқ жуда аниқ бўлмаса-да, муайян ўқирмани кўзда тутиб, у билан мулоқотга киришишини: "...бадиий матн мундози кечитирилган... мулоқот, бадиий асар эса шу мулоқотнинг амалга ошишини таъминловчи восита" эканини қайд этади. Олим бу қарашини: "...адабий асар энг аввал, нутқ ҳодисаси: адабий асарнинг яратувчиси — нутқ ирод этаётган одам, шунга мос тарзда адабий асарнинг ўқувчиси — тинглаётган

нинг миллий адабий аънаналар илдини кўрсатишга алоқаси борлигини ҳаёлимга ҳам келтирмаганман. Уни кўриштирилган ўйлаб топган бир қадар сунъий назария санаб келардим. Дилмуроднинг романи шу усулда талқин қилинаётган бўлиши қўлимда. Тўғри, бу усул роман бадиияти ва жонивасини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади, деб ҳисобламайман. Айни вақтда, битикнинг тасвир йўсинида ўзгармас миллий универсалликлар борлигидан ҳам кўз юмолмайман. Албатта, буюқ ёзувчи ўз битигига бундай ёндашуви бўлиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган. Аммо олим ўзининг илмий қудрати сабаб субъект томонидан яратилган бадиий объект бағридаги объектив қонуниятни кўра ва кўрсата билди.

Профессор кўркем асарни ўқиш шунчаки истеъмож жараёни бўлмай, ўзига хос ижод кечими экани, у ўқирмандан интерфаол ёндашуви талаб қилишини ўқиради. Олим бадиий асар мазмунини фақат муаллифга боғлаб қўйиб тўғри бўлмаганидай, уни фақат ёзилган вақт доираси билан чегаралаб қўйиб ҳам маъқул эмаслигини, кўркем битик ҳаётнинг ўзи сингари тинимсиз ўзгаришлар оғушида бўлишини ургутайди. Чинакам бадиий яраткичнинг муаллифи, яратилган макон ва замонга боғлиқ бўлмаган ўз умри борлигини: "Зеро, образ ижод онларидеги маънавий-руҳий ҳолатни ўзига муҳрлаган ҳолда матом бошқа маънолар ифодасига ҳам хизмат қилверади", тарзида қайд этади. Олим бугунги адабий жараннинг соф кузатувчиси бўлганидан унинг ориқли нуктасини: "Назаримда, энг катта муаммо — ҳозирги адабиётнинг ўқувчини бой бергани", дея аниқ белгилайди.

Дилмурод Қуроноун — серкирра олим. У илму ижоднинг педагогика, адабиёт назарияси, луғатчилик, матн-барчага-барча томони маълум бўлган қари очунишнинг ҳеч ким кўрмаган қирраларини кўриши ва кўрсата билиши саъяти бўлиши бадиий адабиёт ҳақидаги оригинал ва асосли илмий қарашлари билан миллат бадиий-эстетик тафаккури ривожига сезиларли таъсир кўрсатган улкан олимни қўлтуғ ёши билан мурабаққод этиб, унинг илмий изланишлари ва шахсий ҳаётида яна кўрдан-кўп ютуқлар бўлишини тилаймиз. Ўзида педагогик, назарийчилик, синчилик, ўғирмачилик, ноширлик, ўйчилик сингари сифатларни уйеулаштирган Дилмурод Қуроноунга илмий-ижодий юксалишлар ёр бўлсин!


Профессор кўркем асарни ўқиш шунчаки истеъмож жараёни бўлмай, ўзига хос ижод кечими экани, у ўқирмандан интерфаол ёндашуви талаб қилишини ўқиради. Олим бадиий асар мазмунини фақат муаллифга боғлаб қўйиб тўғри бўлмаганидай, уни фақат ёзилган вақт доираси билан чегаралаб қўйиб ҳам маъқул эмаслигини, кўркем битик ҳаётнинг ўзи сингари тинимсиз ўзгаришлар оғушида бўлишини ургутайди. Чинакам бадиий яраткичнинг муаллифи, яратилган макон ва замонга боғлиқ бўлмаган ўз умри борлигини: "Зеро, образ ижод онларидеги маънавий-руҳий ҳолатни ўзига муҳрлаган ҳолда матом бошқа маънолар ифодасига ҳам хизмат қилверади", тарзида қайд этади. Олим бугунги адабий жараннинг соф кузатувчиси бўлганидан унинг ориқли нуктасини: "Назаримда, энг катта муаммо — ҳозирги адабиётнинг ўқувчини бой бергани", дея аниқ белгилайди.

Дилмурод Қуроноун — серкирра олим. У илму ижоднинг педагогика, адабиёт назарияси, луғатчилик, матн-барчага-барча томони маълум бўлган қари очунишнинг ҳеч ким кўрмаган қирраларини кўриши ва кўрсата билиши саъяти бўлиши бадиий адабиёт ҳақидаги оригинал ва асосли илмий қарашлари билан миллат бадиий-эстетик тафаккури ривожига сезиларли таъсир кўрсатган улкан олимни қўлтуғ ёши билан мурабаққод этиб, унинг илмий изланишлари ва шахсий ҳаётида яна кўрдан-кўп ютуқлар бўлишини тилаймиз. Ўзида педагогик, назарийчилик, синчилик, ўғирмачилик, ноширлик, ўйчилик сингари сифатларни уйеулаштирган Дилмурод Қуроноунга илмий-ижодий юксалишлар ёр бўлсин!

Қозокбой ЙҮЛДОШ.

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

